

Ijtimoiy-tarixiy, ilmiy va ommabop jurnal



SOHIBQIRON YULDUZI




Соҳибқирон юлдузи

№4 (46) 2021 йил




*“Bizkim-mulki Turon, amiri Turkistonmiz, bizkim
- millatlarning eng qadimi va eng ulug‘i Turkning
bosh bo‘g‘inimiz!”*

Sohibqiron Amir Temur



... буюк Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг: “Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!” деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ





SADRIDDIN AYNII ASARLARIDA BUHORODAGI JADID MAKTABLARI VA MATBUOTCHILIK TARIXI MASALALARI

Фаррух ТЕМИРОВ,
Бухоро давлат университети.

Таянч сўз ва иборалар: Бухоро, Садриддин Айний, жади́дчилик, маърифатпарварлик, ислохотчилик, мактаб, матбуот нашрлари, муҳаррир, таржумон, "Бухорои шариф", "Турон", "Маърифат кутубхонаси", "Баракат ширкати"

Жади́дчилик ҳаракатининг тамал тоши жади́д усули мактаблари ҳисобланиб, бу кўпчилик томонидан яқдил эътироф этилган хулосадир. Бу ҳаракатнинг асл мақсади миллатнинг ўзлигини танитиш, ижтимоий-сиёсий тузумни тубдан ислоҳ қилиш, миллат, Ватан истиқлоли эди. Маълумки, бундай буюк ўзгаришларни фақат янги авлод вакилларигина амалга ошира оларди. Имом Бухорий (810 - 871), Абу Наср Форобий (873-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Мирзо Улуғбек (1394-1449), Алишер Навоий (1441-1501) каби кўплаб буюк мутафаккирларни тарбиялаб вояга етказган анъанавий мактаблар сўнгги даврларда жаҳон тараққиётидан бутунлай узилиб қолган, бунинг устига мустамлакачилик оқибатида пароканда аҳволга ҳам тушган эди. Шунинг учун ҳам маҳаллий мактабларни тубдан ислоҳ қилиш, замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган таълим муассасаларини ташкил этиш жади́д мутафаккирларининг энг асосий вазифаларидан бирига айланган эди.

Бухоро жади́дчилик ҳаракатининг машҳур сиймоларидан бири, машҳур маърифатпарвар адиб ва етук олим Садриддин Айний (1878-1954) ўзининг "Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар" асарида (1926) Бухорода вужудга келган янги усул мактаблари ва фаолияти, уларнинг раҳнамолари хусусида батафсил маълумотларни келтирган[1]. Аллома келтирган далилларини ўз тилидан, бевосита жонли гувоҳи сифатида қайд этган. Чунки, Унинг шахсан ўзи Бухорода жади́д мактаблари очилишининг ташаббускорларидан бири сифатида кўпгина тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг тирик шоҳиди бўлганлиги айни ҳақиқатдир.

С.Айний "Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар" асарининг "Мактаб масаласи", "Бухорода биринчи усули жади́да мактабнинг очилиши", "Мактабни ёпмоққа ҳозирланиш ва имтиҳон", "Мактабнинг биринчи



марта ёпилиши", "Мактаб тўғрисида фатво ва мунозаралар", "Рус ҳукумати собиқасининг Бухоро ислоҳоти ҳам мактаб масаласига назар ва муносабати", "1914 йилдаги ҳоллар ва мактаблар" ва "Мактабларнинг иккинчи допқир ёпилиши" номида алоҳида бўлимлари мавжуд [2, 32-45]. Адиб мазкур китобида мазкур янги усулдаги мактабларнинг Бухоро илмий муҳитида тутган мавқеи, маорифпарварлик ва тараққийпарварлик ғояларининг тарқалишида, таълим-тарбияни ривожлантиришда ва юксалтиришдаги беқиёс ўрни хусусида теран фикрлар юритган.

С.Айнийнинг фикрича, Бухоро инқилобининг юзага келиши ҳам мактаб масаласидан бошланиб, ушбу жараёнда иштирок этганлар Бухоро инқилобининг раҳбарларидан ва тараққийпарварларидан бўлган. Асарнинг "Илмий инқилобга ҳозирланиш" бўлимида таъкидланишича, Бухородаги дастлабки маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик ғоялари машҳур хаттот ва муаррих олим Аҳмад Маҳдум Дониш (1827-1897)дан бошланган. С.Айний Аҳмад Дониш билан шахсан учрашиб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлмаган бўлса ҳам, лекин унинг "Наводир ул вақоеъ"[3,25] асари орқали танишганлигини, бу асарни ўқигач, унинг дунёқарашада катта бурилиш ясаганлигини таъкидлаб ўтган [4,153].

Бухоро амирлигида маърифатпарварлик ва ислоҳотчилик ғояларининг шаклланиши ва тарқалиши йўлида Мирзо Муҳиддин ва унинг ўғли Мирзо Исомиддин, Аҳмаджон Маҳдум Ҳамдий, Мирзо Изатулло, мудarris Абдулқодир Маҳдум, Бўрибой ва ўғли Мирзо Мустафоқул, Жаҳонгирбек қоровулбеги, Мулло Мирхон Порсозода, Мазҳар Маҳдум, Мукамил Маҳдум, татар Мулла Низом Собитий, Мирзашоҳ Фоиз, Ҳамидхожа Меҳрий, Мирзо Исмоил Аттор, ўуломризо қоровулбеги, Мулло Очил ва унинг ўғли Мулло Боқийлар ҳам катта хизмат қилишган[5:65-66]. "Уларнинг ҳамма ишларга доим ёрдам бериб юрганлардан бири, бу сатрларнинг ёзувчиси Садриддин Айний ҳам бор эди" [6,65-66].

Шу билан бирга Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим) (1875 - 1934), Абдурауф Фитрат (1886 - 1938), Файзулла Хўжаев (1896 - 1938), Убайдулла Хўжаев (1882 - 1938), Мукамил Бурҳонов (1884 - 1937), Усмон Хўжа (1878 - 1968), Отаулла Хўжаев (1880 - 1937), Абдуқодир Муҳиддинов (1892 - 1934), Мусо Саиджонов (1893 - 1937) кабилар маърифатпарвар жадиждлар катта ҳисса қўшишган.

1883-1884 йиллардаёқ Бухоро зиёлилари "Таржумон" газетаси орқали янги усул мактабларидан, жадиждчилик ва ислоҳотчилик ғояларидан воқиф бўлишган. Зероки, 1884 йилда ушбу газетанинг 1000 нафар обуначисидан 200 нафари Туркистондан бўлган. Адибнинг ёзишича, 1905 йилдан бошлаб "Таржумон" газетаси фақат татар тилида чиқа бошлаган.

"Бухоро амирлиги ҳудудида илк усули жадижд мактабини ким очган?", деган ҳақли савол туғилади. С.Айнийнинг эътирофига кўра, Бухорода дастлабки янги усул мактабини 1900 йилнинг бошларида, маҳаллий зиёлилардан бўлган Мулла Жўрабой Пирмастий ташкил қилган[7,27]. Лекин,



ушбу мактаб кўп фаолият кўрсатмай тезда ёпилган. Мулла Жўрабой Пирмаст туманида туғилиб, Русиядаги янги усул мактабларини кўриб келган ва Бухоронинг Пўстиндозон (пўстин тикиш) гузарида янги усул мактабини очган. Бухоро амирлигида дастлабки янги усул- жаҳид мактабларидан бирининг фаолиятига бевосита адиб С.Айнийнинг ўзи ҳам бошчилик қилган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи қуйидаги муҳим маълумотларни келтириб ўтган: 1326 йил ҳижрийда, шаввол ойи ўнида (милодий 1908 йил 23 октябрда, янги ҳисоб билан 1908 йил 5 ноябрь) Бухоро шаҳрининг Дарвозаи Саллоҳхона гузарида жойлашган Мирзо Абдулвоҳид Мунзим уйида форсий (тожик) тилида биринчи марта бухороликларга махсус усули жаҳид мактаби очилган ва унга Абдулвоҳид Мунзим муаллим этиб тайинлаган [8:32]. "Бу мактабда дастлаб ўқувчилар қуйидагилар эди: Абдурахмонбек-Абдуллабек ўғли, унинг хизматкори Абдуғани, Афзал ва Акрам - Аҳмад маҳдум Ҳамдий ўғли, Муҳаммадамин - Саиджон маҳдум ўғли, Абдуқайим - Абдушукур ўғли. Иди қурбонгача, икки ой муддатда ўқувчилар адади (сони) 12 тага етди" [9, 34].

Бухорода ташкил этилган янги усул мактабларида ўқитиш жараёнини самарали бўлишини тامينлаш учун дарслик, қўлланма ва янги адабиётлар шунингдек, талабчан ва иқтидорли муаллимлар зарур эди. Бу вақтда янги усул мактабларини китоблар ва муаллимлар билан таъминлаш, ёшларни хорижда таълим олиш ишлари кўмаклашиш уларнинг асосий мақсадларидан бири бўлган. Ёш бухороликлар томонидан тузилган "Бухоройи шариф" ширкатимуассислигида С.Айнийнинг жаҳид мактаблари учун ёзган "Тартил - ул Куръон" ("Қироат китоби"), "Заруриёти диния" ("Диний китоб") ва "Таҳсиб ус-сибён" ("Болалар тарбияси") номли ўқиш китоблари биринчи марта 1909 йилда Оренбургда нашр этилган. Адиб "Таҳсиб ус-сибён" дарслигини Исмоил Гаспринскийнинг "Хўжи сибён" ("Болалар муаллими") китоби таъсири остида ёзган. Бу китоб 1917 йилда Самарқанда "Маърифат кутубхонаси" томонидан (1914 йилда

Бухоро амирлиги ҳудудида татар миллатига мансуб муаллимлар янги усулдаги мактаб очиш ва ўқитиш ишларини жадал суръатлар билан бошлаб юборганлар. С.Айнийнинг ўзи то 1908 йил, Абдулвоҳид Мунзимнинг янги усул мактаби очилганига қадар, татар мактабларида ҳам ишлаб, дарс бериш ва ўқитиш усулларини ўрганган. Адиб "Татар мактабида олти ой ишлаб, тажриба орттирдим" [11, 29]- дея қайд этган эди. Унинг маълумотларига қараганда, 1907 йил Бухорода татар Низомиддин Собитов (Собитий) ўз уйида қози Мир Бадриддин қозикалон рухсати билан татар тилида янги усул мактабини очган. Низом Собитийнинг татар мактаби Гавқушон маҳалласидаги Холид Бурнашев ҳовлисига кўчирилгандан сўнг, кўп ўтмаздан 1909 йилда, бу янги усул мактаби ҳам мутаассиб руҳонийлар тазйиқи билан Остонақулбий қўшбеги томонидан ёпилган [12, 30]. Таъкидлаш жоизки, 1908-1910 йилларга қадар, яъни "Ёш бухороликлар"нинг "Тарбияи атфол" ("Болалар тарбияси") ташкилоти тузилгунга қадар Бухорода очил-



ган жаҳид мактаблари, асосан татар мактаблари бўлиб, уларда шу миллатига мансуб муаллимлар дарс беришган.

"Ёш бухороликлар" фаол аъзоларидан бўлган Усмон Хўжанинг қариндоши Латиф Хўжа(Латиф Хўжаев) томонидан ҳам Гавкушон маҳалласида янги мактаб очилган[13, 101]. Шаҳар савдогарлари ҳомийлигида ишлаган ушбу мактаб икки синфдан иборат бўлиб, синфда 3 та глобус, шунингдек, китоблар, парталар, доска, ўқувчиларга бериладиган дафтарлар мавжуд бўлган. Битта синфда бошланғич, иккинчисида эса олти ой таълим олувчилар ўқитилган. Машгулотларни Усмонхўжа ва Мулла ўулом Қодирали олиб боришган.

Бухородаги жаҳид мактаблари ичида Мукамилиддин Бурҳонов мактаби ўзининг жиҳозланиши билан алоҳида ажралиб туриб, унда шиша қўйилган (ойналик) деразалар, темир печкалар мавжуд бўлган. Яна бир мактабни Мулло Ҳомидхўжа Бозори Нав гузарида ўқитувчи уйида очган[14,101-102], унда 32 нафар ўқувчи ўқиб, дарслар, асосан рус тилида олиб борилган. Мактаблар кўпинча унинг ташкилотчилари томонидан таъминланган, айрим ҳолларда эса уларга бой-бадавлат кишилар ҳомийлик қилиб турган. Бундан ташқари, мактабларнинг таъминоти ота-оналар томонидан бериладиган ўқиш пули ҳисобидан ҳам йўлга қўйилган. Масалан, Мирзо Абдулвоҳид ва С.Айнийлар ташкил этган жаҳид мактабида ўқиш пули ойига 3 сўмни ташкил этган[15, 33]. Эски мактабда 6 - 10 йил, янги усул мактабида эса 4 йил ўқитилган. Адиб таъкидлаганидек, ушбу мактаблар "ним (ярим) ислоҳ мактаблари" эди.

"Ёш бухороликлар" амирликда демократик тартибларни ўрнатиш, халқни жаҳолат, илмсизлик ва хурфотдан қутқозиш мақсадида кенг фаолият олиб боришган. Бундай хайрли мақсадга эришиш йўлида матбуот қудратли куч эканлигини тўғри англаб етганлар. С.Айний "Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар" асарининг "Бухоройи шариф" ва "Турон газеталари", "Газеталарнинг тўхтатилиши" ва "Газеталарнинг таъсири" каби бўлимларида, 1912-1913 йиллар давомида Бухорода ёш бухороликлар томонидан йўлга қўйилган матбуот соҳаси ишлари, яъни "Бухоройи шариф" ва "Турон" номидаги газеталарининг нашр этила бошланиши тўғрисидаги муҳим бўлган маълумотларни келтириб ўтади[16, 56].

Адибнинг таъкидлашича, 1912 йилда "Тарбияи атфол" махфий жамияти аъзоларидан Муҳиддин Мансуров ва Мирза Сирож Ҳаким (1878-1914) кабиларнинг саъй - ҳаракатлари туфайли амирликда тожик тилида "Бухоройи шариф" газетасини чиқаришга рухсат олинган. Газетанинг мудириликка Россия сиёсий агентлигида таржимон бўлиб фаолият юритаётган Ҳайдархўжа Мирбадалов тайинланган. Унинг қайд этишича, "Элчихона цензорлик ҳақи ўз қўлида бўлмоқ шарт билан Бухоро ҳукуматидан Ливий ва Ҳайдархўжа исмларига газета учун имтиёз олиб берди. Боқудан муҳаррирлик учун асли бухоролик Мирза Жалол Юсуфзода чақирилган. Бир қадар ҳарф ва бир неча мураттиб келтирилиб форсий (тожик) тилда "Бухоройи шариф" исмида кундалик бир газета чиқарилди. Газетанинг



биринчи сони 4 рабиус - соний 1330 ҳижрий - 1912 милодий 11 мартда якшанба куни нашр бўлди" [17, 94].

"Бухоройи шариф" газетасида С.Айний[18], А.Фитрат[19], Мирзо Сирожиддин Ҳаким, Саҳбо, домла Икромча, Самад Мансур, Ҳамидхожа Меҳрий ва Мирза Жалол Юсуфзода ўзларининг янги усул мактаблари, маърифий ва публицистик йўналишдаги мақолалари билан фаол қатнашиб туришган. "Бухоро амирлигининг аксар аҳолиси - Чоржўй, Карки, Қорақўл, Янги Қўрғон, Зиёвуддин, Хатирчи, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб каби Бухоро амирлигининг вилоят ва туманларининг аҳолиси тамоман турки - ўзбек тилида сўзлашувчилардир. Шу нарса ҳам инобатга олиниб, ўзбек тилида бир газета нашр қилишга қарор берилди" [20].

"Бухоройи шариф" газетасига асос солинган санадан 4 ой ўтиб, яъни 1912 йил 14 июлда "Турон" газетасининг 1-сони нашр қилинган [21, 95]. Шундай қилиб, ҳафтада тўрт марта "Бухоройи шариф", икки марта "Турон" газеталари чиқа бошлаган. "Турон"нинг дастлабки 14 сонига Мирзо Жалол Юсуфзода муҳаррирлик қилган (Бироқ 1-сонига Мирзо Сирож Ҳаким имзо чеккан). Ношири К. Левин бўлиб, 15-сондан унинг ноширлиги "Бухоройи шариф" ширкати ихтиёрига ўтган. "Турон"нинг муҳаррирлиги Истанбулда таҳсил олган бухоролик ўйёс Махзум Ҳусайнга топширилган. Мазкур сондан бошлаб газетанинг 21-сонигача Ҳайдархўжа Мирбадалов муҳаррир бўлган. Қисқа вақт, яъни 22-сондан 25-сонгача самарқандлик Ҳусайн Иброҳимов, 26-сондан охири сонигача яна Ҳайдархўжа Мирбадалов масъул муҳаррирлик қилган. "Газеталар камоли муваффақият билан 1913 йил январь бошигача давом қилди" [22, 96].

"Хулосаи калом, 1913 йил 2 январда рус элчихонаси исмидан Петров имзоси билан идорага ушбу мазмунда бир мактуб келди: "Бухоро амири жаноб олийнинг хоҳишлари билан ушбу кундан эътиборан "Бухоройи шариф" ва "Турон" газеталари тўхтатилди. Мана шундай бўлиб "Бухоройи шариф" 1912 йилдан 2 январь 1913 йилга довр 153 - сон чиқиб ва "Турон" 14 июль 1912 йилдан бошлаб мазкур тарихгача 49 - сон чиқиб тўхтамоққа мажбур бўлди. Янги мева келтира бошлаган ушбу икки ниҳол, истибдод ва зулм болтаси билан халқ боғчасидан чопилиб отилдилар" [23, 97].

Демак, "Бухоройи шариф" 1912 йилнинг 11 мартдан - 1913 йил 12 январгача, "Турон" газетаси 1912 йил 11 июлдан - 1913 йил 3 январигача чоп этиб турилган [24:88-89]. С.Айнийнинг таъкидлашича, "Бухоройи шариф" ва "Турон" газеталарни нашр қилиш, уни халқ орасида тарқатиш, тарғибот ва ташвиқот қилишда қуйидаги ёшлар ва ёш фикрлиларнинг хизматлари ва ёрдамлари катта бўлган: Мирзо Муҳиддин Мансуров ва унинг ўғиллари Мирзо Изом ва Мирзо Абдулқодир, Мирзо Сирож Ҳаким (Мирхон), Мирзо Абдулвоҳид Мунзим, Фазлиддин - маҳдум, Муҳиддин - маҳдум Абдулҳаким судур ўғли ва унинг биродари Абдунабир - маҳдум, Аминжон - маҳдум Зиё, Абдулҳаким - маҳдум Обидзода, Мирзо Изатулло, Мирзо Назрулло ўафурзода (1917 йил апрелида шаҳид бўлган), Ҳожи



Абдусаттор Абдуқаҳҳор ўғли (1918 йилда шаҳид бўлган), Мирзо Мустафоқул Бўрибой ўғли (1918 йилда шаҳид бўлган), Ҳожи Ҳамроҳ Йўлдош ўғли, Ҳожи Ҳамроҳ, Мирхон Порсо, Порсохожа Ҳасанхожа ўғли ва бошқалар [25, 102].

Ф.Хўжаевнинг қайд этишича, Усмонхўжа Пўлатхўжаев томонидан 1913 йилда очган янги усул мактаби анча шуҳрат топган эди [26]. Ҳамидхўжа Меҳрий ҳам Ҳовузи Арбоб гузарига уйини қайта таъмирлаб, янги усул мактабини ташкил этган. Пойи остона гузарига Мулло Вафо номли мударрис жаҳид мактаби очиб, рус ва форс тилидан дарс берган. Хиёбон гузарига Мирза Исмоилнинг укаси томонидан катталар учун савод чиқариш мактаби ташкил этилиб, унда илм ихлосмандари хат-савод, ҳисоб ва география фанларидан сабоқ олишган.

Бухоро шаҳрининг Моркуш ва Хиёбон гузарларида очилган мактабларни шаҳарнинг бой савдогарлари таъминлаб туришган [27:102]. Мактабларда ўртаҳол ва камбағал кишиларнинг фарзандлари ҳам таълим олган. Шайх Абулқосим ва Шайх Мирзо Ҳабиб каби тажрибали ўқитувчилар мазкур мактабларда дарс беришган [28]. 1912-1913 йилларда Бухоро шаҳрида Мулло Абулқосим, Мукомилдин махсум, ўйёс махсум Ҳусайн томонидан яширин мактаблар очилиб, уларда 100 нафардан ортиқ болалар ўқишган [29:102-103]. Бошланғич синфлар учун дарсликлар яратилиб, унда ҳарфни ўргатиш, Қуръони каримни ўқиш қоидалари ва шариат тўғрисида маълумотлар берилган.

Янги усул мактаблари нафақат Бухоро шаҳрида, балки амирликнинг кўпгина беклик ва туманларида ҳам фаолият кўрсата бошлаган. С.Айнийнинг ёзишича, 1908-1912 йилларда Каркида татар болалари учун мактаб, рус тилини ўрганувчилар учун тўғарақлар очилиб, кутубхоналар фаолият кўрсата бошлаган. Қори Йўлдош Пўлотов, Фазлидин Махзум, Ҳожи Жўрақул, Абдуфаттоҳжонлар бу жараёнда фаол иштирок этишган. Амирликнинг Шаҳрисабз беклигида Исломқул тўқсоба ўз уйида янги мактаб очиб, унда ишлаш учун Тошкент ва Самарқанддан бир неча муаллимларни таклиф этган [30].

Гиждувон туманида Абдулҳакимхўжа ҳам янги усул мактабини очишга муваффақ бўлган. Қоракўл туманида амлоқдор ўулом Қодир билан Қози Икром бир неча мактаблар очиб, ўзлари ва хоҳловчиларнинг болаларини ўқитишган. Бу ерда Сулаймонхўжа томонидан газета ва китоблар келтирилиб, кутубхона ишлари ҳам йўлга қўйилган. Шофиркон, Вобкент ва Вангозе туманларида ҳам мактаблар ташкил этилиб, татар муаллимларидан фойдаланилган. Тараққийпарвар олим "Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар" асарининг "1914 йиллардаги ҳоллар ва мактаблар" бўлимида ёзишича, 1914 йилда Бухорода ном чиқарган Усмонхўжанинг мактабида тахминан 200 нафар [31, 105], Ҳамидхўжа Меҳрийнинг мактабида эса 100 нафар, Мукамалиддин маҳдумнинг мактабида 50 нафар, Хиёбон гузарига жойлашган мактабда 40 нафар, Моркуш гузарига мактабда 150 нафар,



Мулла Вафонинг мактабида 80 нафар ўқувчи таълим олишган[32, 106; 91].

Адибнинг юқорида тилга олинган асарининг "1914 йилдаги ҳоллар ва мактаблар" бўлимида таъкидлашча, 1914 йилда "Ёш бухороликлар" томонидан икки муҳим иш амалга оширилган. Буларнинг биринчиси "Маърифат кутубхонаси" ва "Баракат ширкати" очилган [33:105-106]. Унинг фикрича, "Бухоройи шариф" ва "Турон" газеталарининг нашр этилиши тўхта-тилгач, янги адабиётга, газеталарни мутолаа қилишга ўрганган маҳаллий аҳолини турли-туман янги ўқув адабиётлар, журналлар ва газеталар билан таъминлаш, уларни рағбатлантириб бориш мақсадида "Маърифат кутубхонаси" ташкил этилган. "Баракат" ширкати халқ орасида "Жадидлар ширкати" деб ном чиқарган" [34, 108].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бухоро амирлигида тараққий-парварлик, маорифпарварлик ва ислохотчилик ғояларининг тарқалиши, янги усул жадид мактабларининг очилиши каби масалалар юзасидан таниқли олим ва адиб С.Айний томонидан келтирган фикр - мулоҳазаларининг аниқлик томони шундаки, унда муаллифнинг бевосита воқеалар ва ҳодисаларнинг жонли гувоҳи бўлиб, ўз тилидан теран баён қилганидир. Шунингдек, адибнинг ўзи ҳам жадид мактабларида самарали фаолият кўрсатганлиги, янги дарсликлар, ўқув дастурларини тузишда бевосита иштирок этганлиги, бу юксак ғояларни тарғибот ва ташвиқот қилиш ишларида ҳам фаол қатнашганлиги маълум бўлади.

Етук адиб С.Айний асарларида келтирилган маълумотлардан шу нарса намоён бўладики, Бухоро амирлигида тараққийпарварлик ва маорифпарварлик ғоялари XIX асрнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлаб, XX аср бошларига қадар давом этган. Аҳмад Донишдан мерос бўлиб ўтган бу теран ғояларни янада ривожлантириш ва юксалтириш "Ёш бухороликлар"-нинг энг асосий мақсадларидан бирига айланган. Маҳаллий халқ ва ёш авлоднинг саводини чиқариш, уларнинг онгига маорифпарварлик ғояларини сингдиришда, аввало Бухоро жадид мактаблари ва дастлабки матбуот нашрлари асосий роль ўйнаганлиги шак-шубҳасиздир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - Москва: СССР халқлари Марказий нашриёти, 1926.
2. Шу асар. - Б. 32-45
3. Аҳмад Дониш. Наводир ул - вақоеъ. - Тошкент: Фан, 1964.
4. Айний С. Эсдаликлар. 4-қисм. /Асарлар. 8 жидлик. 7-жилд. Т: 1966. - Б. 153.
5. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - Б. 65 - 66.
6. Шу асар. - Б. 65 - 66.
7. Шу асар. - Б. 27.
8. Шу асар. - Б. 32.
9. Шу асар. - Б. 34.
10. Айний С. Таҳсиб ус - сибён. - Самарқанд: 1917. 88. Б.



11. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - Б. 29.
12. Шу асар. - Б. 30.
13. Шу асар. - Б. 101.
14. Шу асар. - Б. 101-102
15. Шу асар. - Б. 33.
16. Шу асар. - Б. 56.
17. Шу асар. - Б. 94.
18. Айний С. Масти. // "Бухоройи шариф", 1912 йил, 17-сон, пайшанба, 30 март; Унинг ўзи: Мактуб аз Бухорой шариф 20-сон, сешанба, 3 апрель; Унинг ўзи: Сайли наврўз дар Бухоро 21-сон, чоршанба, 4 апрель, 8-сон, сешанба, 20 март.
19. Фитрат А. Фарёд. // "Бухоройи шариф", 1912 йил 29 июнь, 7 июль; Унинг ўзи: Истиқбол. 1912 йил 17 июль, 14 август; Унинг ўзи: Мактуб ба идора. 1912 йил 19 апрель. (Қаранг: Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жади́дчилик (Илмий - тадқиқий мақолалар). - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. - Б. 245, 250.)
20. Айний С. Мактуб аз Бухорой шариф. // "Бухоройи шариф", 1912 йил, 20-сон, сешанба, 3 апрель.
21. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - Б. 95.
22. Шу асар. - Б. 96.
23. Шу асар. - Б. 97.
24. Ўзбекистон тарихи солномаси / Тузувчи муаллифлар: Ражабов Қ., Ҳасанов Ф. - Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2007. - Б. 88-89.
25. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - Б. 102.
26. Хўжаев Ф. Хотирамда. // "Бухоро ахбори". 1921 йил, 1 сентябрь, 48-сон.
27. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - Б. 102.
28. "Бухоройи шариф". 1912 йил 29 ноябрь, 84-сон.
29. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - Б. 102-103.
30. "Бухоройи шариф". 1912 йил 18 июнь, 84-сон.
31. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - Б. 105; ЎзР МДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 268 иш, 3-варақ.
32. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - Б. 106; Бюллетень САГУ, Вып. 16, - Т., 1927, С.91.
33. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - Б. 105-106.
34. Шу асар. - Б. 108.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Садриддин Айний асарлари ва мақолаларида Бухородаги жади́д мактаблари ҳамдадастлабки матбуот нашрлари ҳақидаги масалалар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

RESUME

In this article from a scientific point of view the problems are analyzed first printed authorities, schools jaded in Bukhara, which is refltsted in the articles and works SadriddinAyni